



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 2 апрель, чоршанба

№27 (11.518)

Эркин нархда сотилади

Бўстонлиқнинг «ОЛТИН ОЛМА»СИ

Тошкент вилоятининг элиманзара Бўстонлиқ туманида яна бир дам олиш маскани — Олмалик қон-металлургия қўшма корхонаси «Олтин олма» оромгоҳи иш бошлади.

Чимён-Чорвоқ ҳудудида курорт ва дам олиш уйлари кўп. Хар илли минглаб юртдошларимиз бу оромгоҳларда дам олиб, соғлигини тиклаб қайтади. Айни пайтда у алоҳида муҳофаза этилган ҳудудлар сирасига ҳам кириди. Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси ва амалий ёрдами билан деярли кейинги бир йил мобайнида ҳудуднинг табиий бойликлари асраш, бу ерда соғломлаштириш, дам олиш тизимини янада ривожлантириш бўйича гўят салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз қарорига мувофиқ улкан магистрал канализация коллектори, оқова сувлар учун насос станциялари қурилиши, Чирчиқ тозалаш илтифотининг кенгайтирилиши, дам олиш ва кўнглили хордиқ чиқаришга мўлжалланган жаҳон андозалари даражасидаги масканларнинг бирин-кетин қад ростлаши бунга аққол мисол бўла олади.

Утган йилнинг охирида ушбу ҳудудларда масканда Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Чорвоқ» соғломлаштириш марказининг биринчи навбатини қуриб фойдаланишга топширган. орадан кўп ўтмай, «Ўзбекистон металлургия қўшма корхонаси» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Металлургия» оромгоҳи дам олувчилар ихтиёрига берилган эди. Бетакдор иклими, табиати билан кўпчиликни ўзига ром этувчи Чорвоқ сув омбори соҳилида қад ростлаган «Олтин олма» оромгоҳи ҳам юртдошларимизнинг саломатлигини тиклаш ва кўнглили хордиқ чиқариши учун хизмат қилади.

— Юз ўринга мўлжалланган оромгоҳимиз энг илғор технология асосида гўят қисқа вақт мобайнида бунёд этилди, — дейди «Олтин олма» оромгоҳи директори Ф.Муҳиддинов. — Бу ерда дам олувчилар учун яратилган шароит ва кўрсатилган хизматлар жаҳон андозалари даражасида ташкил этилган.

Оромгоҳдаги уч қаватли қўшма маданият маркази, қатор конференция заллари, ёғи меҳмонхона, соғломлаштириш мажмуаси, ёғи ва қишқи чўмилиш ҳавзаси, сауна, кафе ва барлар, қатор спорт майдончалари, болалар учун алоҳида ўйингоҳлар дам олувчилар ихтиёрида бўлади. Бу — мусоффо табиат кўйида дам олиш истагида бўлган барча юртдошларимизга бошланган ёз мавсумида оилавий келиб хордиқ чиқариш учун айна мўлдо. Зеро, бундай имкониятдан нафақат Олмалик металлургия, балки барча ўзбекистонлиқлар фойдаланади.

Оромгоҳнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К. Тўлаганов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақуллов иштирок этди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ўқувчи-ёшлар ўртасида ўзаро дўстлик, биродарлик ва ҳамжиҳатлик туйғуларини мустақамлаш борасида кўнлаб тадбирлар ўтказилмоқда.

«ЗАКОВАТ»НИНГ ИЛК ОДИМИ

Жумладан, Қуйичирчиқ туманида ёшларнинг дунёвий, илмий ва ахлоқий савиясини юксалтиришга хизмат қилувчи яна янги бир анъана бошланди. «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари ўқувчи-ёшлари ўртасида «Заковат» интеллектуал уйинини ўтказиб бориш ташаббуси билан чиқилди. Дастлаб ушбу жараёнлар туман мактабларида ўтказилиб, 35 нафар иқтидорли ўсмир сараланиб олинди. Қўрғонча қишлоқ ҳўжалик касб-ҳўнар коллежиди бўлиб ўтган якуний баҳсларда 41-ўрта мактабнинг зўкко, билимдон ўқувчиси Эркин Исоқов сардорлигида коллеж талабаларидан Иномжон Тоубоев, Умида Абухўжаева, Гулмира Сулмева, 4-ўрта мактабдан Самандар Абдурахмонов ва 10-ўрта мактабдан Муҳайе Қосимовалардан иборат зўкколлар жамоаси қизикувчан мухлислар билан ўзаро куч синашишди.

Ғолибларга ва энг яхши савол берган шахсга ҳўмийлар ва туман «Эркин сўз» газетаси таҳририятининг мукофотлари топширилди.

Ўз мухбири.



КУТУБХОНАЛАР ЗАМОНГА ЮЗ ТУТМОҚДА

Илгари хабар қилганимиздек, Бўстонлиқ тумани марказий кутубхонасида вилоят кутубхоначиларининг уч кўнлик семинар-тренинги бўлиб ўтди. Унда бугунги кутубхоналарнинг янгилаётган жамиятдаги ўрни, аҳамияти, унинг муаммолари, эҳтиёжлари ҳўсўсида атрофича фикрлашиб олинди.

(Давоми 2-бетда).

Мардлар қўриқлайди Ватанни

Илҳам, тезкор, замонавий қўроқлар ва техника билан жиҳозланган, давр талабларига мос, юксак малакали, мамлакат чегаралари ва ҳудудий яхшилик, ҳалқимиз тинчлиги ва оёйишталарини ҳимоя қилишга қодир Қўроқли Кўчларни барпо этиш Ўзбекистон истиқболи учун энг муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қўроқли Кўчлар Олий Бош қўмондон Ислам Каримов иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида ҳарбий хизматга тайёрлаш ва Қўроқли Кўчларда хизматни ўташ тизимини тўздан яхшилаш бўйича аниқ йўналишларни белгилаб берди. Бу ҳарбий хизмат нуфузини, Ватан ҳимояси обрўсини кўтариш, хоридий мамлакатларда бўлганидек шартнома асосидаги армияни яратиш, ҳарбий тайёрлиқни ўтаган таркибини тайёрлаш ҳамда мўддатли ҳарбий хизматни ўташ мўддатларини қисқартириш, қақриқ ошқоралигини таъминлаш, қақриқ қўмиссиялари фаолиятини тарқомиллаштириш, қарорлар қабул қилишда ноҳилисликка йўл қўймаслик, улар фаолияти устидан жамоат назоратини таъминлашдир.

Ушбу топшириқлар иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қўнонида тўлиқ инобатда олинган, — деди ЎЗА мухбири билан сўбатда республика Мудофаа вазирлиги Ҳарбий қақриқ ва резервдагиларни тайёрлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Ботир Мирзамўхамедов. — Алоҳида таъкидлаш жоизки, янги Қўнон мавжуд ҳарбий хизмат тизимини тарқомиллаштириш ва уни Қўроқли Кўчларни ислох қилишининг мақсад ва вазифаларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган жамият, давлат қурилишини демократик янгилаш жараёнларининг асосий йўналишларига мувофиқлаштиришга қаратилган.

Қўнонда юқорида кўрсатилган тизим, амалдаги қўнончиликни тарқомиллаштиришининг асосий вазифа ва механизмлари ҳамда давлат ҳўкимияти органлари, ҳарбий бошқарма, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқарув органларининг Ўзбекистон Республикаси Қўроқли Кўчларига яхши тайёрлиқка эга ёшларни таълаш ва тайёрлаш бўйича ҳамкорлик йўналишлари баён этилган.

Қўнон Ўзбекистон Рес-

янги Қўнон 1992 йилда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қўнондан нимаси билан фарқ қилади?

— Янги қўнон қатор жиддий фарқларга эга. Аввалам-

5-мўддада ҳарбий хизматни ўташ мўддатлари белгиланган:

Оддий таркиб лавозимларида мўддатли ҳарбий хизматчилар учун — эски қўнондаги ўн саккиз ой ўрнига ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун — ўн икки ой ўрнига тўққиз ой).

Офицер таркиби лавозимларига қақриқ бўйича мўддатли ҳарбий хизматни ўтаётган заҳирдаги офицерлар учун — ўн саккиз ой ўрнига тўққиз ой.

Қўнонда ҳарбий хизматнинг янги тури — сафарбар қақриқ резервда ҳарбий хизмат тўзунчасини белгилочи янги меъёр киритилган.

Қўнонда, фуқароларни қақриқ участкаларида рўйхатдан ўтказиш ёшини уларга паспорт бериш ёшига мувофиқлаштирилган. «Ефрейтор», «старшина», «прапорщик», «мишман», «кичик лейтенант» ҳарбий ўнволлари бекор қилинган.

Қўнонда ҳарбий хизматлар турлари алоҳида мўддада таърифланган (4-мўдда). Ҳарбий хизмат — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан Қўроқли Кўчларда умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш бўйича давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳарбий хизматнинг қуйидаги турлари белгиланган: мўддатли ҳарбий хизмат, сафарбар қақриқ резервда ҳарбий хизмат, шартнома асосида ҳарбий хизмат, Ўзбекистон Республикаси Қўроқли Кўчларда ҳарбий хизматни ўтаб бўлган резервдагилар хизмати.

6-8-мўддаларда мўддатли ҳарбий хизмат, шартнома асосида ҳарбий хизмат, сафарбар қақриқ резервда ҳарбий хизмат, Қўроқли Кўчларда ҳарбий хизматни ўтаб бўлган резервдагилар хизматининг аниқ таърифлари берилган. Шунингдек, уларда фуқаролар томонидан ҳарбий хизматнинг турли шаклларини ўташ мўддатлари кўрсатилган. Жумладан,

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҳаёти

«ИСТИҚЛОЛ ЁШЛАРИ» СТИПЕНДИАТЛАРИ

Барқамол авлодни қамол топтириш нафақат ўқитувчилар ва ота-оналарнинг, балки турли жамоат ташкилотлари, маҳалла ва тадбиркорлар — ҳаммининг шарафли ишидир.

ЎзХДП Охангарон шаҳар кенгаши ана шу мақсадда «Истиқлол ёшлари» стипендиясини ташкил этди.

Охангарон шаҳридаги маиший касб-ҳўнар коллежининг талабалари Гулноза Сабоева ва

Екатерина Гурьяновалар ана шу стипендиянинг биринчи соҳибалари бўлдилар. Энди улар ўқув йилининг охиригача стипендия оладилар.

Нуралӣ
АБДУРАСУЛОВ.

ОЗОДА ВА ОРАСТА

Шаҳар ва қишлоқларда ободонлаштириш ва кўка-ламзорлаштириш ишлари давом этяпти. Охангарон шаҳридаги 20 та маҳалла, қорхона ва тадбиркорлар, ўқув муассасалари жамоалари бу тадбирда фаол қатнашмоқда.

Жумладан, турар-жой мавзелари, маҳаллалар ва марказий кўчаларга уч ярим минг туп арча, мева ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. 3 ярим минг метр узунликдаги сув иншоотлари тозаланди. Ариқ ёқаларига турли-туман гуллар экилиб, атроф орасталанди, дарахтлар танаси оқланди. Овлоқ жойлар 200 тоннадан

ортиқ маиший ва қурилиш чиқиндиларидан тозаланди.

Бу ишлар Янгилик, Навбахор, Адолат ва Ёшлик маҳаллаларида айнайсиз қизғин тўз олди. «Охангаронцемент», «Охангароншифер» ва «Охангарондон» ҳиссадорлик жамиятлари ҳодимлари бошқаларга намуна бўлдилар.

Ўз мухбири.

«ЧИРОЙ» ИШ БОШЛАДИ

Қуйичирчиқ тумани марказида «Чирой» ҳўсўсий маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устаконаси, гўшт дўконлари сингари саккиз ишчи ўрнига мўлжалланган мажмуани шу ерлик тадбиркор Орол Исабеков бунёд этди.

Ҳа, Дўстободда маи-

Дониёр ҚАМОЛ.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Ўртақирчиқ туманида марҳум «пахтакор»лар Михаил Ан, Владимир Фёдоров ва Олим Аширов хотирасига бағишлаб, футбол бўйича ёшлар ўртасида турнир ўтказилди.

Бу мўсабақада вилоятимиз туманларидан олти жамоа ўзаро беллашди.

Учрашувларда Тошкент вилоят ўсмирлар ва ёшлар спорт мактаби футболчилари бош совринга эга бўлишди. Ангреннинг «Парвоз» жамоаси шўхсўпаннинг иккинчи поғонасидан жой

олган бўлса, республика Олий спорт мактаби чарм тўпчилари учинчи ўринни эгалладилар. Ғолибларга турнир ташкилотчилари ва ҳўмийлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қамолддин
АСҚАРОВ.

КЛУБДА УЧРАШУВ

Чирчиқдаги учинчи кутубхонада Зўфия номидаги клуб ишлаб турибди.

Бу ерда санъат ва адабиётнинг турли соҳаларидаги ижодкорларнинг китобхоналар билан учрашуви тез-тез уюштирилади. Яқинда шундай тадбирнинг навбатдагиси ташкил этилди. Бу гал «Баҳор» маҳалласида истиқомат қилаётган юз нафардан ортиқ хотин-қизлар китоблар масканига йиғилдилар. Улар

ҳўзурига эса, чирчиқлик шoirлар Мансур Маҳмудов, Сўсанна Қошўраева ва Виктор Старшиковлар келиши ва ўз ижодларидан намуналар ўқидилар, режалари ҳақида гапириб бердилар. Бевосита мулоқотда китобхоналарнинг турли-туман саволларига жавоблар бердилар.

Салима ЯМИНОВА.

ҲАЁТ МАНБАИ ЧЕКСИЗ ЭМАС

Ҳаётни сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. У бўлмаган жойда ҳаёт ҳам бўлмайди. Сувсиз ерлар саҳро деб аталади. Кечягина кўш ўчса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган жазирани Мирзачўл, Қарши даштлари сув келтирилиши билан «оқ олтин» қонига, бог-бўстонга айланди.

Ўзбекистон қам ёгин, қатта чўчук сув заҳираларига эга бўлмаганини, иқлими қуруқ ва иссиқ бўлиши учун ота-боболаримиз сувдан тежаб-тергаб фойдаланишган.

2003 йилни ҳалқаро чўчук сув йили деб эълон қилиниши ҳам беҳиз эмас. Бу билан табиат-

нинг бебаҳо инъоми — оби ҳаётдан оқилона ва самарали фойдаланишга яна бир бор қатта эъти-

бор қаратилмоқда.

Республикаимиз деҳқончилиги сўнғий сўғоришга асосланган. Ўзбек халқи уни оби ҳаёт деб ардоқлашди ҳам шундан. Қадимдан қаналлар қуриш, эскиларини таъмирлаш, ариқларни тозалаш ишлари доимо ҳашар йўли билан амалга оширилган. Сувнинг тозаллигига, уни исроф бўлмаслигига назоратда турган. Аммо соёқ иттифок даврида инсон

— табиатнинг ҳўжайини деган сохта социалистик мафкуравий даъво ҳўқронлиқ қилди. Табиатга тақабурларча муносабатда бўлиш қатор экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Булар Президент И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт қўлоқлари» асарида батафсил таҳлил қилинди.

2003 йил — чўчук сув йили

Совет ҳўкумати даврида қурилган сув иншоотлари қуруқ ерларни ўзлаштириш имконини берди. Аммо шу билан бирга улар яқин атрофдаги жойларга салбий таъсир кўрсатди. Ер ости сувлари сатҳи юқорига кўтарилиб, ҳайдалаган ерларни шўр ва ботқоқ босди, бог-роғлар қуриб қолди. Янги пахта майдонларини барпо этиш мақсадида пухта ўйланмаган сўғориш иншоотларини қуриш, Сирдарё ва Амударёдан кўп сув олиш

Орол денгизининг қуришига олиб келган сабабларнинг асосийси бўлди. Ўзбекистон мустақилликка эришган, Республика ҳўкумати юқоридаги таъсирларни бартараф этишга, чўчук сув заҳираларидан тежаб-тергаб фойдаланишга қаратилган қатор чора-тадбирларни амалга оширди.

Ўзбекистон Республикасида сувга доир муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Сув ва сувдан

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҳаёти

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

83-модда.
Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Қонунни қабул қилиш учун Олий Мажлис депутатларининг кўпчилик овози талаб этилади.
Қабул қилинган қонунларнинг ва бошқа норматив ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси Республика Олий Мажлиси ваколатларини белгилайди. Республика Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари республика Конституциясининг 78-моддасида ўзининг тўлиқ аксини топган. Мазкур моддага асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун чиқариш соҳасидаги мутлақ ваколатларидан бири бу унинг қонунчилик соҳасидаги ваколатлари ҳисобланади. Шунлардан келиб чиққан ҳолда Конституциянинг шарҳланаётган моддаси ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 9-моддасига мувофиқ Ўзбекистон



Республикасининг Олий Мажлиси бирдан-бир олий қонунчилик органи сифатида қуйидаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади:
— Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини;
— Қонунларни, шу жумладан, конституциявий қонунларни;
— Қарорларни;
— бошқа ҳужжатларни.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳамда унинг Кенгаши, шулар билан бир қаторда мурожаатномалар, декларациялар ва баёнотлар ҳам қабул қилиши мумкин. Конституциявий қонунлар Конституцияда кўрсатилган муҳим масалалар

алоҳида тартиби мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Конституцияни ўзгартирувчи ва тўлдирувчи қонунлар, шунингдек, бошқа конституциявий қонунлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг камиди учдан

сўнгра уни қабул қилиши мумкин. Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифни рад қилса, ушбу таклиф камиди бир йил ўтгандан кейин қайта киритилиши мумкин.

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

юзасидан қабул қилинади ва улар ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Бу қонунлар юридик кучи бўйича Республика Конституциясидан кейинги ўринни эгаллайди. Конституция ва конституциявий қонунларни қабул қилиш ва уларга ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритишнинг ўзига хос

икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Конституцияга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклиф тақдим этилганидан кейин олти ой мобайнида ушбу таклифларнинг кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилиниши ташкил этиб,

Олий Мажлис ҳамда унинг Кенгаши мурожаатномалар ва баёнотларнинг лойиҳаларини Олий Мажлис ёки унинг Кенгашининг қарорларига кўра, Олий Мажлисининг кўмиталари ва комиссияларига дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун топшириши мумкин. Бу ҳужжатлар ҳам Олий Мажлис депутатлари ёки Кенгаш аъзолари кўпчилигининг овози билан қабул қилинади. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, овоз бериш натижаларини ҳисоблашда қонунни қабул қилиш вақтида ҳозир

Анжуман

ТЕКШИРИШЛАР САМАРАСИНИ ОШИРАЙЛИК

Вилоят табиатни муҳофаз қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тасдиқлаган режа-жаъвал асосида қорхоналар, таъкилотлар, муассасалар ва хўжалиқларда тарқиб тоған экологик аҳолини текшириш бўйича ишларни тобора кенгайтирмоқдалар.



Уларнинг самараси ҳам ошиб бормоқда. Фақатгина шу йилнинг биринчи чорагида 61 та хўжалик юртувчи субъектларда шундай текширишлар ўтказилди. Улар довомида табиатни муҳофаз қилиш қонун ва талабларини қўпол равишда буюзиш ҳоллари кўплаб аниқланди. Унинг айбдорлари бўлган 79 нафар шахсга 753 минг сўмликдан ортиқ жарима солинид ва унинг 60 фоизи ҳозиргача ундириб олинди. Дарахтларни ноқонуний равишда, ўзбечимчалик билан кесиш ҳолларига ҳам дуч келинди. Вилоятдаги 3 та қорхона маъмурияти ана шундай номаъқулчиликка йўл қўйган. Бунинг учун қорхоналарга 5,5 миллион сўмлик жарима солинди. Шунинг 1,5 миллион сўми

ундириб олинди. Вилоятда экологик аҳолини таҳлил қилувчи лабораториялар ўз фаолиятларини кучайтирмоқдалар. Улар томонидан биринчи чорада 192 та атроф-муҳитни ифлослантирувчи манбалар аниқланди. Бу манбаларнинг 49 таси табиатга меъёрдигидан анча ортиқча зарарли моддалар чиқарган. Лекин, табиатни муҳофаз қилиш ходимлари фаолиятида айрим камчилик ва нуқсонлар ҳам содир бўлмоқда. Айнисига, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда хатоларга йўл қўйилмоқда. Уни бартараф этиш ва келгусида тақорорланмаслиги учун махсус ўқув-семинар машғулотли ташкил этилди. Яқинда уюштирилган бу анжуманда вилоят прокуратураси, адлия бошқармаси, солиқ бошқармаси ҳамда бошқа мутахассис идораларнинг вакиллари ҳамда ҳудудий комиссия аъзолари катнашдилар. Улар қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этиш ва тегишли ҳужжатларни тўғри расмийлаштириш масалалари бўйича маърузалар билан чиқдилар, давлат нозирларини қизиктирган барча саволларга батафсил жавоб ва тегишли тавсиялар беришди.

Ярим кеча. Икки ўсмир тунги клубдан ширакайф чиқишди. Рўпараларидан келаётган енгил автомашинага қўл кўтаришди:
— Ака, Назарбеккача...
— Қанча берасанлар?
— Хавотир олмагн, рози қиламиз.
Улар йўлга тушишди. Ҳайдовчи яна гап бошлади:
— Укаларим, келларинг, келишиб олайлик. Назарбеккача беш минг берасанлар.
— Эй, ака, нима деярсиз, арзимаган йўлга беш мингми? Икки минг берамиз.
Хуллас, икки ўртада ади-бади бошланди. Ҳайдовчи у деса, йигитлар бу деди.
Шунда йигитлардан бири сўз кодди:
— Ака, четроқда тўхтатиб юборинг, шу ерда тушиб қоламиз.
Ҳайдовчи машинани тўхтатди. Шунда икки йўловчи ҳайдовчига оч бўридек ташланиб қолди. Даб-дурустдан бўлган ҳужум ҳайдовчини доводиратиб қўйди. Нияти бузилган йигитлар уни машинадан тушириб, обдон дўппослашди. Ҳушидан кетган, ўлиб қолди деб ўйлаб, шу яқиндаги балчиққўлга ташлаб юборишди. Хушсиз ҳайдовчи сув юзига қалқиб чиқди.
Важохатлари ваҳший тўс олган жиноятчилар уни сувдан олиб чиқиб, қўй сўйгандек нимталаб, қопга жойлашди, ичига оғир тошлардан тўлдириб, сувга итқитиб юборишди.
...Кидирув бошланди. Жиноятчилар автомобилни қисмларга ажратиб сотаётганларидека ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Улар қилмишларига яраша жазо оlishди. Эндигина ўн саккизга кирган ўспиринлар узок муддатли қамоққа ҳукм этилди. Аммо, кишини бошқа нарса ўйлантириб қўйди.
Аслида бундай нохуш ҳодисаларнинг бош илдизи қаерда? Бундай жиноятлар содир этилишига нималар сабаб бўлмоқда? Унинг оқибатларига ким жавоб беради?
Келинг, жавобни ён-атрофимиздан излаб кўрайлик.



Жамоат, нодавлат ташкилотлари ролини, жамоатчилик назоратини кучайтириш бугунги ҳуқуқий маданият тарбиясининг бош тамойилидир

Истеъмолчи

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ ХИЗМАТИНГИЗДА

Азиз газетхонлар!
«Тошкент ҳақиқати» газетаси (15 март, № 21) тахририяти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси билан ҳамкорлик режасини ишлаб чиққанлигини маълум қилган эди. Шундан буён ҳамюртларимиз 133-48-08, 133-73-00 рақамли «Ишонч» телефонларига кўнгирок

қилиб, бозорларда, хизмат кўрсатиш соҳасида ўз ҳуқуқларининг бузилиш ҳолларини маълум қилмоқдалар. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш ва унинг бузилиш ҳолларининг олдини олишни ёритишни кенгайтириш мақсадида газета саҳифасида «Истеъмолчи» рўқни очдик. Қуйида дастлабки хабарларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ ЁКИ...

Чирчиқ шахри дехқон бозорларида ўлчов асбобларининг меъёр даражаси бузилаётганлиги кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётган эди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Ш. Муҳидинов, шаҳар ҳокимлиги назорат инспекциясининг бош мутахассиси Г. Азизқўжаев, синов ва сертификатлаштириш маркази етакчи мутахассиси И. Бегматовлар биргаликда ўтказган мониторинг уларнинг асослигини тасдиқлади. Саккиз ҳолатда яқка тадбиркорлар фойдаланаётган ўлчов асбоблари яроқсиз эканлиги аниқланди. Ҳатто, бозор тарозихонасидан берилган ўлчов асбоблари ҳам йиллаб давлат қиёслаш кўригидан ўтказилмаган. Шунингдек, уч ҳолатда гўшт ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилаётган дўконлардаги тарозилар ва тошлар ҳам аниқ эмас. 68-

АМАЛИЙ ЧОРА КЎРИЛДИ

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Янгийўл туман Гулбаҳор шаҳарчаси аҳолисидан «САИ-МЭ-Жун» маршрути бўйича йўловчи транспорт ишидаги бебошликлар ҳақида мурожаатнома олди. Мониторинг кузатишлари бунни тасдиқлади. «Автомобилчи-С» масъулияти чекланган жамияти йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этишда қатор нуқсонларга йўл қўйиб келган. Жумладан, хизмат ҳақи асоссиз равишда 49 фоиз оширилган. «Автомобилчи-С» жамиятига аъзолар давлат божини тўламай ишлаб келишган. Шунингдек, хусусий авто-транспортчилар тез-тез маршрутдан четга чиқиш ҳолларига йўл қўйишганлиги ҳам аниқланди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти тартиббузарларга нисбатан таъсирчан чоралар кўрди. **Ўз мухбиримиз.**

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Бу борадаги фаолиятимиз амалий ва таъсирчан бўлаяптими?

Айтайлик, маҳаллада бир ўспирин жиноят кўчасига кириб қолди. Хўш, нима қилиш керак? Анбатта, ҳамма ҳам ўз тинчилигини ўйлайди. Кўпчилигимиз эса: «Менга нима, бошида ота-онаси бўлса, қанчадан-қанча ташкилотлар шуларни тарбиялайман деб ишляпти, ўшалар назоратига олсин», — дея қўл силтаб кетаверадиган бўлиб қолганмиз.
Хўш, бугун ўша биз айтган вояга етмаганлар тарбияси билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан бу борада қандай ишлар қилинмоқда? Агар барча иш рисоладагидек олиб борилаётган бўлса, нима учун ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик камаймаётми?
Касб таълимидан қўллаб-қувватлашда бўлишга, уларнинг фаолияти билан танишишга тўғри келади. Шаҳар ва туманлардаги вояга етмаганлар бўйича комиссия таркибига кирувчи ташкилотлар мажлисларида ҳам катнашамиз. У ердаги таҳлиллардан кейин шунли айтиш мумкинки, ёшлар тарбияси борасида белгиланаётган режаларнинг деярли кўпчилиги қорғозда қолиб кетмоқда.
Чунончи, жойлардаги вояга етмаганлар билан ишлаш

комиссияларининг 2002 йил якунига бағишланган йиғилишларида бўлганимизда ҳам ана шундай мисолларнинг кўпини эшитдик.
Вилоят шаҳар ва туманларида ёшлар ўртасида кўплаб спорт мусобақалари ўтказилди. «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари ҳамкорлиқда ўсмирлар ўртасида шохмот ва шашка бўйича мусобақалар, «Футболизм келахати» кубоклари ва бошқа қатор спорт ўйинлари шулар жумласидандир. Шунингдек, бирнеча ташкилотлар ҳамкорлиқда «Сиз тарихни биласизми?», «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Мен гиёҳвандликка қаршиман», «Ёш назоратчи» мавзуларидаги танловларни ташкил этмоқда.
Ҳисоботларда баъзи шаҳар ва туманларда қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар томонидан жиноят қўчасига кириб қолган ўсмирларнинг оталиққа олингани, ҳатто, уларни ички ишлар органлари рўйхатларидан чиқариш ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шу билан бирга турли ташкилотлар томонидан ҳам таъминланган оила-лар, ноғиронларга, мактаблар, болалар боғчаларига минг-минг сўмлаб моддий ёрдам кўрсатилганлиги ҳақида-

Сўраган эдингиз

ОНАЛАРГА НАФАҚА ҚАНДАЙ БЕРИЛАДИ?

Хурматли тахририят ходимлари!
Мен автокорхонада ишлайман. Фарзанд кўргангидан кейин орадан бир йил муддат ўтаётганига қарамай, маъмурият менга қорхонанинг пули йўқ, деган баҳона билан ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани, бола туғилганда бирийўла бериладиган нафақа ва у икки ёшга тўлгунча қадар тўланадиган нафақани беришдан бош тортиб келаяпти.
Менга оналик ҳуқуқлари ва иш бевручининг қонунда қўзда тутилган мажбуриятларини тушунтириб беришингизни сўрайман.

Муборак АҲМЕДОВА,
Ангрен шахри.

Бу саволга Ўзбекистон Касаба уюшмалари Тошкент вилояти кенгашининг ҳуқуқшуноси Надежда ЕФИМОВА жавоб беради:
— Ҳомиладорлик ва бола кўриш бўйича ҳамда фарзанд кўрганда бирийўла бериладиган нафақалар билан боғлиқ масалалар давлат ижтимоий сугурта бўйича нафақалар белгилаш ва уларни тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади. Бу Низом тегишли вазирлиқлар ва идоралар, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги томонидан 2002 йилнинг 1 апрелида тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 8 майда рўйхатга олинган.

Қоида тарикасида, ижтимоий сугурта билан қамраб олиниб, нафақа олиш ҳуқуқи ишлаб турилган даврда пайдо бўлган фуқаролар юқорида кўрсатилган нафақаларни олиш ҳуқуқига эгадирлар.
Ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда бола туғилиши муносабати билан бериладиган таътил тугаган кундан бошлаб олти ой муддат ўтмасдан нафақаларни тўлаш ҳақида мурожаат қилинган бўлса, бу нафақалар тайинланади. Нафақалар нобод-жет Пенсия жамғармасининг ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан тўланади. Белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг ўзигагина ҳомиладорлик ва бола кўриш бўйича нафақа тайинлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Нафақа касаллик варақасида кўрсатилган бутун давр учун ҳақиқий иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида тўланади. Уни ҳисоблаб қилишда иш жойидан сугурта бадаллари ушлаб қолиниб, берилган ҳамма турдаги иш ҳақи ҳисобга олинади. Меҳнатга ҳақ тўлашга тегишли бўлмаган бирийўла хусусиятдаги тўловлар бунда ҳисобга олинишдан мутасоидир.

Мабодо ҳомиладорлик ва бола туғилиши бўйича таътил даврида иш ҳақи миқдорида ўзгаришлар содир бўлса, шу муддатлардан бошлаб кейинги давр учун нафақа миқдори тегишлича қайта ҳисоб қилинади. Агар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа белгиланган ўша иш ҳақида қўшимча тўланган бўлса, у пайда нафақа ҳам тегишли равишда қўпайди.

Бола туғилганда бериладиган нафақа бирийўла тўлов бўлиб, у ҳам ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бу нафақа ишлаб турган оналарга уларнинг иш жойидан аҳоли ҳолатларини қайд этиш идораларининг маълумотномаси асосида берил-
ди. Бу нафақа Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 170, 2003 йилнинг 1 январидан бошлаб — 200 фоизи миқдорида белгиланмоқда. Демак, шу йилнинг 1 февралдан бошлаб, бу нафақа 9070 сўмни (4535 x 2) ташкил этмоқда.

2002 йилнинг 1 январига қадар эса, бу нафақа Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдорида тўланган эди.

ги маълумотлар ҳам оз эмас. Қолаверса, жойларда ўтаётган тадбирлар, учрашувлар, очик мулоқотлар ҳақида нима дейиш мумкин?
Индаллосини айтганда, уларнинг натижаси ҳамisha ҳам биз кутганчалик бўлмаётми. Бу борада жамоатчиликнинг роли сезилмаётганлиги, ота-оналар билан ўзаро мулоқотларнинг йўқлиги, мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар зиммаларига юклатилган вазифалар бажарилмаётганлиги ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.
Шу ўринда вилоят шаҳар ва туманларида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг аҳолига назар ташласак.
2002 йил мобайнида жойлардаги вояга етмаганлар назорати пунктларида жами 5246 нафар жиноят содир этишга ва ҳуқуқбузарликка майли бор ўсмирлар олиб келинган. 2001 йили бундай ёшлар 5695 нафарни ташкил этган эди. Жиноятчиликни келтириб чиқарувчи сабаблар қамайгандек кўриниши мумкин. Аммо, қуйидагиларга нима дейсиз?
Вилоят бўйича ўсмирлар ўртасида 341 та турли қўри-нишдаги жиноятлар содир этилган ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 45 тага қўпайган. Бунинг асосий қисми Ангрен, Олмалик шаҳарлари, Паркент, Оҳангарон, Юқоричирчиқ, Қуйичирчиқ, Тошкент, Ўртачирчиқ, Зангиота туманларига тўғри келади. Чунончи, Ангрен шаҳрида бундай жиноятлар 12 тага, Олмаликда эса 16 тага ошган.
Содир этилган жиноятлар ичида ўзгалар мулкни ўғирлаш, қасддан одам ўлдириб, баданга оғир жароҳат етказиш ҳолатлари кўпроқ учрайди.
Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ўртасида жиноятчилик қуруқ гап билан қамайиб қолмади. Бунинг учун бошлаган ишларимизни таҳлил қилиб кўриш, керак бўлса, янги-янги чора-тадбирлар қўллаш вақти келди деб ўйлаймиз.
Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

